Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 162-ҳадис

162 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللهِ
صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ إذَا فَاتَتْهُ الصَّلَاةُ مِنَ اللَّيْلِ
مِنْ وَجَعٍ أَوْ غَيْرِهِ صَلَّى مِنَ النَّهَارِ ثِنْتَي عَشْرَةَ
رَكْعَةً». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [746/140]

1. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам беморлик ёки бошқа сабабдан тунги намозни ўтказиб юборсалар, кундузи ўн икки ракъат намоз ўқиб қўярдилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадисдан вирдлар, яъни кунлик вазифаларни муҳофаза қилиш, агар ўтиб кетса, уни қазо қилиш маҳбуб экани билинади.

Имом Молик ўтказиб юборган кунлик вазифаларини бомдоддан кейин ўқиб олишни маъқул кўрардилар.

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI